



УГЛЕРОД-НЕЙТРАЛЛИК ВА ЯШИЛ ИНВЕСТИЦИЯЛАР

Обломурадов Нарзулло Наимович,

Иқтисод фанлари номзоди, доцент

Toshkent moliai instituti ilmий шилар ва инновациялар

бўйича проректори

Toshkent, Ўзбекистон. Email:n.oblomuradov@tfi.uz

ORCID: 0009-0007-5892-9778

CARBON NEUTRALITY AND GREEN INVESTMENT

Oblomuradov Narzullo Naimovich,

Candidate of Economic Sciences, Associate Professor

Vice-Rector on Scientific Affairs and Innovations of Tashkent Institute of Finance,

Tashkent, Uzbekistan

Email: n.oblomuradov@tfi.uz, ORCID: 0009-0007-5892-9778

JEL Classification: G2, O16, Q50

Аннотация. Мазкур мақолада жаҳонда кузатилаётган глобал иқлим иқлим ўзгаришлари, ҳаво ҳароратининг кўтарилиши, қурғоқчилик каби экологик таҳдидларнинг бизнинг минтақамизга таъсери, жумладан, Орол денгизининг қуриши, ер ва сув ресурсларидан нооқилона фойдаланиши, биологик хилмасилликнинг қисқариси, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси генофондининг ёмонлашуви, кўп миқдордаги саноат ва машиий чиқиндиларнинг тўпланиши натижасида иқтисодиёт тармоқларида паст углеродли, энергия ва ресурс тежсамкор технологияларни жорий этиши зарурати ҳамда яшил иқтисодиётга ўтиши стратегияси ижросини таъминлаши масалалари кўриб чиқилган. Мамлакатимизда глобал иқлим иқлим ўзгаришларига қарши курашии ҳамда унинг оқибатларини бартараф этиши юзасидан ҳалқаро битим ва келишувлар доирасида амалга оширилаётган шилар натижадорлиги таҳлил этилган. Ўзбекистон Республикаси томонидан БМТнинг Иқлим ўзгариши бўйича доиравий конвенциясининг 26-ийгилишида Париж

битими доирасида 2030 йилга қадар ялпи ички маҳсулот бирлигида иссиқхона газлари эмиссиясини 2010 йилги кўрсаткичларга нисбатан 35 фоиз камайтириши бўйича, шунингдек, 2030 йилга қадар метан эмиссиясини 2020 йилга нисбатан камида 30 фоизга камайтириши бўйича мамлакатларнинг жамоавий мақсадга эришиши бўйича глобал мажбурият тўғрисидаги ташаббусга қўшилди.

Мақолада иқлим ўзгаришига қарши курашии борасидаги ҳалқаро битимлар ва мажбурияtlар ижросини таъминлаш самарадорлиги ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда кенг кўламли ижтимоий-иқтисодий, индустрисал ва инвестицион трансформацияни талаб этиши алоҳида қайд этилиб, ҳалқаро эътироф этилган хавфсиз бўлган чегара – 2050 йилгача даврда углерод нейтралликка эришиши йўлида амалга оширилаётган хорижий тажриба, яшил иқтисодиётга ўтиши стратегиялар ҳамда яшил инвестиция лойиҳалари натижадорлиги таҳлил қилинган. муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг

«яшил» иқтисодиётга ўтиши Стратегиясига мувофиқ 2030 йилгача даврда мамлакатда амалга оширилаётган тузилмавий ислоҳотларга «яшил» иқтисодиёт тамойилларини интеграция қилиши, иссиқхона газларининг ажратмалари даражасини пасайтириши, паст углеродли, ресурс ва энергия тежсамкор технологияларни жорий этиши, яшил лойиҳаларга нисбатан иқлим мезонларини белгилаш ҳамда яшил инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришини кенгайтириши масалалари кўриб чиқилган.

Abstract. In this article, the impact of environmental threats such as global climate changes, temperature rise, drought on our region, including the drying up of the Aral Sea, unreasonable use of land and water resources, reduction of biological diversity, deterioration of the gene pool of flora and fauna, a large number of industries and as a result of the accumulation of household waste, the need to introduce low-carbon, energy and resource-saving technologies in the economic sectors, as well as issues of ensuring the implementation of the strategy of transition to a green economy were considered. The effectiveness of the work carried out within the framework of international agreements and agreements to combat global climate change and eliminate its consequences in our country is analyzed. At the 26th meeting of the UN Framework Convention on Climate Change under the Paris Agreement, the Republic of Uzbekistan agreed to reduce greenhouse gas emissions per unit of gross domestic product by 35 percent by 2030 compared to 2010 levels, as well as reduce methane emissions by at least 30 percent by 2030 compared to 2020 joined a global initiative to achieve a collective goal.

The article emphasizes that the

effectiveness of ensuring the implementation of international agreements and commitments to combat climate change requires large-scale socio-economic, industrial, and investment transformations in developed and developing countries, as well as an internationally recognized safe border - a foreign policy to achieve carbon neutrality in the period up to the 2050 year, experience, strategies for transition to a green economy, and the effectiveness of green investment projects are analyzed. it is important.

Following the Strategy of the transition to a "green" economy of the Republic of Uzbekistan, the integration of the principles of the "green" economy into the structural reforms carried out in the country until 2030, the reduction of the level of greenhouse gas emissions, the introduction of low-carbon, resource- and energy-efficient technologies, the establishment of climate criteria for green projects, and green issues of expansion of financing of investment projects were considered.

Калим сўзлар: иқлим ўзгариши, атроф-муҳитни муҳофаза қилиши, Париж битими, углерод нейтраллик, Европа яшил келишиви, яшил иқтисодиётга ўтиши стратегияси, мұқобил энергия манбалари, яшил инфратузилма, паст углеродли технологиялар, энергия ва ресурс тежсамкорлик, яшил молиялаштириши механизмлари, яшил инвестициялар, давлат-хусусий шериклик лойиҳалари.

Keywords: climate change, environmental protection, Paris Agreement, carbon neutrality, European Green Deal, green economy transition strategy, alternative energy sources, green infrastructure, low carbon technologies, energy and resource efficiency, green

financing mechanisms, green investments, public-private partnership projects.

Кириш. Бутун дунёда, атроф-мухит ва экологик ҳолат йилдан-йилга ўзгармоқда. Сўнгти йилларда иқлим ўзгариши дунёнинг барча минтақаларида ўзининг кескин таъсири кўрсатмоқда. Рақамларга мурожаат қиласиган бўлсак, 1880 йилдан (саноат революцияси бошланиши) бошлаб ер юзидағи ҳаво температураси ҳар ўн йилликда ўртacha 0,08 градус Цельсий шкаласи бўйича ўсган бўлса, 1981 йилдан бошлаб ушбу кўрсаткич 0,18 градусни ташкил этмоқда, яъни аввалги 100 йилликка нисбатан 2 каррадан юқорироқ ўсиш кузатилмоқда[1]. Марказий Осиё минтақасида эса иқлим ўзгариши суръатлари глобал тенденцияга нисбатан янада юқорилигини кузатиш мумкин.

Глобал иқлим ўзгаришлари, ҳаво ҳароратининг кўтарилиши, қурғоқчилик каби экологик таҳдидлар бизнинг минтақамизга ҳам бевосита дахлдор. Орол денгизининг куриши, ер ва сув ресурсларидан нооқилона фойдаланиш, биологик хилма-хилликнинг қисқариши, ўсимлик ва хайвонот дунёси генофондининг ёмонлашуви, кўп микдордаги саноат ва майший чиқиндиларнинг тўпланиши экологик муаммоларни чуқурлашиб бораётганидан далолат бермоқда.

Табиат неъматларидан оқилона фойдаланиш, уларни кўз қорачигидек асраб-авайлаш ҳар биримизнинг инсоний бурчимиздир. Айтиш жоизки, Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт босқичида экология ва атроф мухит муҳофазасига давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бири сифатида алоҳида эътибор қаратилиб, тизимли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда атроф муҳит муҳофазасини таъминлаш, инсон ва табиат ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш дунё миқёсидаги глобал масалалардан бири хисобланади. Хурматли Президентимиз Шавкат Мирзиёев Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) Бош Ассамблеясининг 75-сессиясидаги маърузасида таъкидлаганидек, давримизнинг ўткир муаммоларидан бири – глобал иқлим ўзгаришлариdir. Бугун ҳар бир мамлакат бу жараённинг салбий таъсирини ҳис этмоқда. Минг афсуски, бундай ўзгаришлар Марказий Осиё тараққиётига ҳам катта хавф туғдирмоқда [2].

Ўзбекистон Республикаси томонидан Иқлим ўзгариши бўйича Париж битими доирасида 2030 йилга қадар ялпи ички маҳсулот бирлигига иссиқхона газлари эмиссиясини 2010 йилга нисбатан 35 фоиз камайтириш, шунингдек, 2030 йилга қадар метан эмиссиясини 2020 йилга нисбатан камида 30 фоизга камайтириш бўйича мажбуриятлар қабул қилинган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг «яшил» иқтисодиётга ўтиш Стратегияси қабул қилиниб, 2030 йилгача даврда иссиқхона газларининг ажратмалари даражасини пасайтириш, паст углеродли, ресурс ва энергия тежамкор технологияларни жорий этиш билан боғлиқ мақсадли кўрсаткичлар белгиланган.

Халқаро миқёсда глобал иқлим ўзгаришига қарши курашиш борасидаги халқаро битимлар ва мажбуриятлар ижросини таъминлаш ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда кенг кўламли ижтимоий-иктисодий, индустрιал ва инвестицион трансформацияни амалша оширишни талаб этмоқда. Мазкур мақолада халқаро эътироф этилган хавфсиз бўлган чегара –

2050 йилгача углерод нейтралликка эришиш йўлида амалга оширилаётган хорижий тажриба, яшил иқтисодиётга ўтиш стратегиялари ҳамда яшил инвестиция лойиҳаларининг натижадорлиги таҳлил қилинган.

Материал ва метод. Ушбу мақола доирасида иқлим ўзгаришига қарши курашиш, яшил иқтисодиётга ўтиш ҳамда яшил инвестициялар борасида Европа Иттифоки, Япония, Корея, БАА, МДҲ мамлакатлари ва бошқа ривожланаётган мамлакатларда 2050 йилгача бўлган даврда углерод нейтралликка эришиш йўлида амалга оширилаётган дастур ва лойиҳалар таҳлил қилиниб, бунда яшил инвестицияларни рағбатлантириш учун яратилган преференциялар тизими, молиялаштириш механизmlарига алоҳида эътибор қаратилган. Глобал миқёсда кузатилаётган иқлим ўзгаришлари ва уларнинг салбий оқибатлари олимлар, илмий тадқиқотчилар ва халқаро ташкилотлар орасида сўнгги йилларда янги тушунча “Углерод нейтраллик” концепциясининг кенг муҳокамасига сабаб бўлди. Ушбу концепция асосини - углерод эмиссияси ва атмосферадаги углеродни ютиш ўртасидаги мувозанат ташкил этиб, унга мувофиқ углерод нейтралликка эришиш учун дунё бўйлаб иссиқхона газлари эмиссиясини углерод секвестрлаш орқали мувозанатлаш талаб этилади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг БМТнинг Иқлим ўзгариши тўғрисидаги доиравий конвенцияси “Париж битимини (Париж, 2015 йил 12 декабрь) ратификация қилиш тўғрисида”ти қонуни қабул қилинган [3]. Иқлим ўзгариши билан боғлиқ ортиб бораётган глобал таҳдидларнинг олдини олиш мақсадида 2015 йил 12 декабрда Парижда БМТнинг иқлим ўзгаришлари бўйича доиравий конвенциясига бағишлиланган конференциянинг 21-

сессиясида Париж битими қабул қилиниб, 2016 йил 4 ноябрда кучга кирган.

Ушбу битимнинг мақсади глобал исишини индустрiali ривожланиш давридаги ўртacha ҳароратга нисбатан Цельсий шкаласи бўйича 2°C га сақлаб тuriш ҳамда ҳароратнинг $1,5^{\circ}\text{C}$ гача ўсишини чеклашга эришишдан иборат [4].

Шу билан бир қаторда, 2021 йил ноябрь ойида бўлиб ўтган БМТнинг Иқлим ўзгариши бўйича доиравий конвенциясининг 26-ийғилишида (COP26) Ўзбекистон Республикаси томонидан Париж битими доирасида 2030 йилга қадар ялпи ички маҳсулот бирлигига иссиқхона газлари эмиссиясини 2010 йилги кўрсаткичларга нисбатан 35 фоиз камайтириш бўйича кўшимча мажбуриятни ўз зиммасига олиши ҳақида баёнот берилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси 2022 йилнинг май ойида 2030 йилга қадар метан эмиссиясини 2020 йилга нисбатан камида 30 фоизга камайтириш бўйича мамлакатларнинг жамоавий мақсадга эришиши бўйича глобал мажбурият тўғрисидаги ташабbusга (Global Methane Pledge) кўшилди [5].

Бизнинг фикримизга кўра, иқлим ўзгаришига қарши курашиш борасидаги юқорида келтирилган халқаро битимлар ва мажбуриятлар ижроини таъминлаш самараадорлиги, ҳеч шубҳасиз, барча мамлакатлардан, шу жумладан биздан ҳам кенг кўламли ижтимоий-иктисодий, индустрiali ва инвестицион трансформацияни талаб этади.

Глобал исиш даражасини Цельсий шкаласи бўйича $1,5^{\circ}\text{C}$ чеклаш учун – халқаро эътироф этилган хавфсиз бўлган чегара – 2050 йилгача даврда углерод нейтралликка эришиш муҳим ҳисобланади. Шуни таъкидлаш лозимки,

ушбу стратегик мақсад 195 давлат, жумладан, Европа Иттифоқи мамлакатлари, АҚШ, Япония, Корея, Россия, Бразилия, Хитой, Хиндистон, Туркия ва Ўзбекистон томонидан имзоланган Париж келишувида ҳам белгиланган.

Шуни

таъкидлаш лозимки, углерод нейтраллик тушунчаси углерод эмиссияси ва атмосферадаги углеродни ютиш ўртасидаги мувозанатни англатади. Ўз навбатида атмосферадан углерод оксидини олиб ташлаш ва кейин уни сақлаш жараёни углерод секвестрлаш дейилиб, углерод нейтралика эришиш учун дунё бўйлаб иссиқхона газлари эмиссиясини углерод секвестрлаш орқали мувозанатлаш талаб этилади.

Углерод нейтралика эришишга оид яна бир муҳим тушунча - Carbon sink ёки углерод чўкмаси ҳисобланиб, унга мувофиқ углеродни эмиссия қилишдан кўра уни кўпроқ ўзлаштирадиган ҳар қандай тизим тушунилади. Асосий табиий углерод чўкмалари тупроқ, дарахт ва ўрмонлар ҳамда сув ҳавзалари (кўллар, денгизлар ва океанлар)дан иборатdir. Ҳисоб-китобларга кўра, табиий углерод чўкмалари йилига ўртacha **9,5** дан **11,0** гигатоннагача CO₂ ни абзорб қиласи. Бугунги кунда бу глобал йиллик CO₂ эмиссияси ҳажмини (2021 йилда 37,8 гигатоннани ташкил этган) абзорб қилиш учун етарли эмас. Инновациялар ва технологик ривожланиш натижасида

сўнгги йилларда углерод эмиссиясини камайтириш технологиялари яратилди. Жумладан, углеродни ушлаб қолиш, ишлатиш ва сақлаш (Carbon capture, use, and storage; CCS/CCUS) саноат ва энергетика объектларида юзага келадиган атмосферага заарли ташламаларни камайтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Маълумотларга кўра, 2020 йилда энергетика ва саноат объектларида ҳосил бўлаётган углеродни ушлаб қолиш технологияларининг йиллик қуввати 40 млн.тоннани ташкил этди. Сўнгги йилларда қўшимча 30 дан ортиқ янги CCUS объектларини ишга тушириш лойиҳалари тақдим этилди. Ушбу объектларнинг аксарият қисми АҚШ ва Европа давлатлари, қисман Австралия, Хитой, Корея ҳамда Яқин Шарқ мамлакатларига тўғри келмоқда. Ушбу лойиҳаларнинг амалга оширилиши натижасида CO₂ утилизация қилиш қувватлари 3 карра ошиб, йиллик 130 млн.тоннага етказилиши кутилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ҳозирги кунга қадар инсоният томонидан яратилган ҳеч қандай технология ёки сунъий қурилма глобал исишга қарши курашиш мақсадида атмосферадан углеродни етарли миқёсда олиб ташлаш имконини бермайди. Шу боисдан, иқлим ўзгаришига қарши курашиш углерод эмиссияси ҳажмини камайтиришни талаб этади.

Жадвал-1

Яшил инвестицияларни таърифлашга оид ёндошувлар

Ташкилотлар	Яшил инвестициялар концепцияси	Таъриф
ЮНКТАД (United Nations Conference on Trade and Development)	Кам эмиссиявий инвестициялар (Low-carbon FDI)	Трансмиллий корпорациялар томонидан технологиялар (амалиёт, маҳсулотлар) трансфери орқали қабул қилувчи мамлакат иқтисодиётида углерод эмиссиясини сезиларли даражада камайтиришга қаратилган инвестициялар
Иқтисодий ҳамкорлик ва	Яшил инвестициялар	Яшил инфратузилмавий лойиҳалар,

ривожланиш ташкилоти (Organization for Economic Cooperation and Development)	(Green FDI)	табиий ресурсларни барқарор бошқариш, энергия тежамкор технологиялар ҳамда яшил қўшилган киймат (EGS) яратишга йўналтирилган инвестициялар
БМТ Атроф-мухитнинг иктисодий хисоб тизими (System of Environmental Economic Accounting: Central Framework)	Атроф-мухит муҳофазаси билан боғлиқ маҳсулотлар ва хизматлар (EGS)	Атроф-мухит муҳофазаси ва ресурсларни самарали бошқариш мақсадида маҳсулотлар ва хизматларни ишлаб чиқарилган қаратилган инвестициялар

Манба: муаллиф томонидан халқаро ташкилотлар ҳисоботлари таҳлили асосида тайёрланди.

2019 йил декабр ойида Европа Комиссияси томонидан 2050 йилгача углерод нейтралликка эришишни мақсад қилган Европа Яшил келишуви ([European Green Deal](#)) тақдим этилди [6]. Ушбу келишув доирасида Европа иттифоқига аъзо бўлган 27 та давлатлар 2050 йилга бориб Европани дунёдаги илк углерод-нейтрал қитъага айлантириш мажбуриятини олди. Шу мақсадда Европа Иттифоқида 2030 йилгача бўлган даврда углерод эмиссияси ҳажмини 1990 йилдаги даражага нисбатан 55 фоизга камайтириш кўзда тутилмоқда.

2020 йил октябрда Япония хукумати мамлакатни 2050-йилга бориб углерод-нейтралликка эришиш юзасидан режаларини очиқлади, бунда иктисодиётда таркибий ислоҳотларни амалга ошириш, саноатдаги ислоҳотлар ҳамда яшил инновацияларга инвестицияларни киритишга алоҳида эътибор қаратилади. Бугунги кунда Япония жаҳондаги асосий иссиқхона газлари эмитетларидан бири ҳисобланиб, йилига атмосферага 1,150 Mt CO₂ чиқаради. Шунингдек, БАА ва Бразилия ҳам 2050-йилгача углерод-нейтралликка эришиш бўйича мақсадларини эълон қилишди, бунда муқобил энергия манбаларини ривожлантириш ва энергия истеъмоли балансида муқобил энергия манбаларини улушини кескин оширишга ургу берилмоқда.

Шуни таъкидлаш лозимки,

углерод-нейтралликка эришиш билан боғлиқ аналогик мақсадлар ва тегишли дастурлар жаҳоннинг 70 дан ортиқ мамлакатлари, шу жумладан, йирик ифлослантирувчи иктисодиётлар - АҚШ, Европа мамлакатлари, Хитой ва Россия томонидан ҳам амалга оширилмоқда.


Иссиқхона газлари эмиссиясини босқичма-босқич камайтириш мажбуриятини олган мамлакатларда “яшил” иктисодиёт тармоқларини ҳамда муқобил энергия манбаларини янада ривожлантиришга, “яшил” технологияларга инвестиция киритиш устувор аҳамият касб этади. Ҳисобкитобларига кўра, кейинги ўн йил ичida Европа Иттифоқида йилига 260 млрд.евро кўшимча инвестиция маблағларига эҳтиёж мавжуд [7].

Қозоғистон Республикасининг яшил иктисодиётга ўтиш стратегиясига мувофиқ, 2050 йилгача бўлган даврда яшил иқсодиётга ўтиш мақсадлари учун ҳар йили ЯИМнинг 1% миқдорида ёки йилига ўртacha 3-4 млрд.долл қўшимча инвестиция маблағлари талаб этилади [8]. Ушбу концепция доирасида белгиланган мақсадларга эришиш учун жами 90 млрд.долл. ортиқ инвестиция маблағларини ўзлаштиришга эҳтиёж мавжуд бўлиб, уларнинг асосий қисми энергия самарадорлиги ошириш, муқобил энергия манбаларини ривожлантириш ҳамда газ инфратузилмаси лойиҳаларига йўналтирилади. Корея Республикасининг

яшил иқтисодиётга ўтиш стратегиясига мувофик, яшил ривожланиш мақсадлари учун йўналтирилаётган маблағлар ҳар йили ЯИМнинг тахминан 2% ташкил этади [9]. Шунингдек, Корея Республикаси ҳукумати томонидан Яшил жамғарма (Low Carbon Green Fund) ташкил этилиб, қайта тикланувчи энергия соҳасида илмий-тадқиқот ишларини қўллаб-куватлаш, эмиссия савдо тизими йўлга қўйиш ҳамда эмиссияни камайтирувчи лойиҳаларни молиялаштириш мақсад қилинган. Халқаро консалтинг компанияси McKinsey маълумотларига кўра, G-20 ёки катта 20 талик мамлакатларда яшил инфратузилмани молиялаштириш ҳажми 2020 йилгача бўлган 7 йиллик даврда йилига ўртacha 160 млрд.долл. дан ошмаган, бу ялпи ички маҳсулотнинг 0,2 фоизига тенг, ваҳоланки, мавжуд эҳтиёж 5,0 фоизни ташкил этиши таҳлил қилинган [10]. Шу билан бирга, ўрта ва паст даромадли мамлакатларда (medium and low income countries) инфратузилмага

йўналтирилаётган хусусий инвестициялар ҳажми янада паст бўлиб, инвестицияларнинг 3/4 қисми давлат сектори, ривожланиш банклари ва экспорт кредит агентликлари томонидан молиялаштирилмоқда.

Сўнгги йилларда “яшил” иқтисодиётга ўтиш ва муқобил энергия манбаларини ривожлантириши халқаро молия бозорларида экологик барқарор молиялаштириш механизмларини кенг кўламда жорий этилишига, жумладан, барқарор облигациялар (sustainable bonds) ва яшил облигациялар (green bonds)ни кенг миқёсда эмиссия қилинишига имконият яратмоқда. Ушбу облигацияларни эмиссия қилиш ва молия бозорларида жойлаштиришган келган узоқ муддатли маблағлар, авваламбор, яшил технологиялар, энергия ва ресурс тежамкорликка асосланган лойиҳаларни, шунингдек, барқарор транспорт инфратузилмаси ва энергия инфратузилмаси билан боғлиқ инвестицияларни молиялаштиришга йўналтирилмоқда.



1-расм. Халқаро молия бозорларида барқарор облигациялар эмиссияси ҳажми (sustainable bonds), млрд. сўм

Манба: Жаҳон инвестиция ҳисоботи (World investment report), 2023.

Жаҳон инвестиция ҳисоботи-2023 маълумотларига кўра, халқаро молия бозорларида жойлаштирилган барқарор облигациялар ҳажми 2017 йилдаги 179 млрд.доллардан 2022 йил якуни бўйича

892 млрд.долларга етган бўлиб, уларнинг ярмидан кўпинайсан яшил облигациялар ҳиссасига тўғри келади. Ушбу облигациялардан келган тушумлар янги ва мавжуд инфратузилма лойиҳаларини

ёки атроф-муҳитга ижобий таъсир кўрсатадиган тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилмоқда. Бизнинг фикримизча, яшил облигациялар жойлаштирилиши Халқаро капитал бозори ассоциациясининг (ISMA) яшил облигациялар бўйича тамойилларига мувофиқ, қимматли қоғозларнинг мақсадлари ва атроф-муҳитга таъсири юзасидан шаффофликни таъминлаш ва ҳисбот беришни янада такомиллаштириш тақозо этилади.


Жорий йилда Ўзбекистон Республикаси илк маротаба 4,25 трлн.сўм микдоридаги яшил суверен халқаро облигациялар ҳамда 660 млн.доллар микдоридаги халқаро облигацияларни Лондон фонд биржасида жойлаштиреди. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги маълумотига кўра, сўмда чиқарилган суверен халқаро облигациялар МДҲ давлатлари ичida илк «яшил» суверен облигациялар ҳисобланади[11].

Яшил облигациялар бўйича келиб тушадиган маблағлар сув тежовчи технологияларни жорий қилиш, темир

йўл транспорти ва метро транспортини ривожлантириш, санитар тозалаш ишларини ташкил этиш ва аҳоли пунктларида тозаликни таъминлаш, шамол эрозиясига ва сув хўжалиги объектларининг қум босишига қарши ихота дарахтзорлари барпо этиш каби яшил лойиҳаларни молиялаштириш учун йўналтирилади.

Халқаро углерод бозорлари иқтисодий жиҳатдан самарали глобал иссиқхона газлари чиқиндиларини камайтиришда муҳим рол ўйнайди. Дунё бўйлаб углерод эмиссия савдоси тизимлари сони ортиб бормоқда. Европа Иттифоқи углерод савдоси тизимидан ташқари, Канада, Хитой, Япония, Янги Зеландия, Жанубий Корея, Швейцария ва АҚШ да миллий ёки миintaқавий савдо тизимлар йўлга кўйилиб, фаолият олиб бормоқда.

Statista 2023 маълумотларига кўра, халқаро углерод савдоси бозорининг ҳажми 2018 йилдаги 186 млрд.евродан 2022 йил якуни бўйича 865 млрд.еврога етиб, сўнгги йилларда кескин ўсиш суръатлари кузатилмоқда.



2-расм. Халқаро углерод савдоси бозорининг ҳажми (carbon-trading market), млрд.сўм

Манба: Statista 2023.

Алоҳида таъкидлаш керакки, Париж битими халқаро бозорлардан фойдаланиш учун мустаҳкам асос яратиб, шаффофлик ва томонларнинг

жавобгарлигини оширишга хизмат қилмоқда. Жумладан, халқаро углерод бозорлари аҳамиятини эътироф этган ҳолда, Париж битимининг 6-моддаси

томонларга углерод эмиссиясини камайтириш мақсадида халқаро углерод савдосидан фойдаланишга, умумқабул қилинган бухгалтерия тамойилларини жорий этиш ҳамда бозор механизмларини қўллашга имкон яратади. Мамлакатимизда иқлим ўзгаришларига қарши курашиш, экологик вазиятни барқарорлаштириш ҳамда Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат сиёсатининг устувор йўналишларини белгилаш, шунингдек, 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги Миллий мақсад ва вазифаларга эришишни таъминлаш мақсадида “2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепцияси” тасдиқланиб, [12] қуидагилар назарда тутилган:

атроф-муҳит объектларини (атмосфера ҳавоси, сув, ер, тупроқ, ер қаъри, биохилма-хиллик, қўриқланадиган табиий ҳудудлар) антропоген таъсир ҳамда бошқа салбий таъсир қилувчи омиллардан саклаш ва сифатини таъминлаш; экологик жиҳатдан энг кам ҳавф туғдирувчи материаллардан, маҳсулотлардан, ишлаб чиқариш объектлари ва бошқа объектлардан устувор даражада фойдаланиш;

заҳарли

кимёвий ва радиоактив моддалардан экологик ҳавфсиз фойдаланишни таъминлаш; чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга оширишнинг экологик ҳавфсиз тизимини такомиллаштириш; аҳолининг экологик маданиятини шакллантириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат органлари фаолиятининг шаффоффлик даражасини ошириш ва фуқаролик жамиятининг ролини кучайтириш;

Ўзбекистон Республикасининг

«яшил» иқтисодиётга ўтиш Стратегияси тасдиқланган бўлиб, 2030 йилгача даврда мамлакатда амалга оширилаётган тузилмавий ислоҳотларга «яшил» иқтисодиёт тамойилларини интеграция қилиш орқали ижтимоий ривожланишга, иссиқхона газларининг ажратмалари даражасини пасайтиришга, иқлим ва экология барқарорлигига имкон берувчи мустаҳкам иқтисодий тараққиётга эришиш асосий мақсад этиб белгиланган [13]. Мазкур стратегия доирасида қатор устувор вазифаларни амалга ошириш кўзда тутилган, шу жумладан:

технologик модернизациялаш ва молиявий механизмларни ривожлантириш орқали иқтисодиётнинг энергия самарадорлигини ошириш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш;

давлат инвестициялари ва харажатларининг устувор йўналишларига илғор халқаро стандартларга асосланган «яшил» мезонларни киритиш;

давлат томонидан рағбатлантириш механизмларини, давлат-хусусий шериклигини ривожлантириш ҳамда халқаро молиявий институтлар билан ҳамкорликни фаоллаштириш орқали «яшил» иқтисодиётга ўтиш йўналишлари бўйича тажриба-синов лойихаларини амалга оширишга кўмаклашиш;

таълимга инвестициялар киритишини рағбатлантириш, етакчи хорижий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот марказлари билан ҳамкорликни ривожлантириш ҳисобига «яшил» иқтисодиётдаги меҳнат бозори билан боғлиқ кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини ривожлантириш;

«яшил» иқтисодиёт соҳасида, шу жумладан икки томонлама ва кўп томонлама шартномалар тузиш орқали халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш. Умуман олганда, мамлакатимизда қабул

қилинган 2030 йилгача «яшил» иқтисодиётга ўтиш ва «яшил» ўсишни таъминлаш дастурига мувофиқ [14]: иссиқхона газларининг ялпи ички маҳсулот бирлигига нисбатан солиштирма ажратмаларини 2010 йилдаги даражадан 35 фоизга қисқартириш; қайта тикланувчи энергия манбаларининг ишлаб чиқариш кувватини 15 ГВтга ошириш ва уларнинг улушкини электр энергиясини ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 30 фоизидан кўпроғига етказиш;

саноат соҳасида энергия самарадорлигини камида 20 фоизга ошириш; ялпи ички маҳсулот бирлигига тўғри келадиган энергия сарфи ҳажмини, шу жумладан, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишини кенгайтириш ҳисобига 30 фоизга камайтириш;

иқтисодиётнинг барча тармоқларида сувдан фойдаланиш самарадорлигини сезиларли даражада ошириш, 1 миллион гектаргача майдонда сув тежовчи суғориш технологиясини жорий этиш; йилига 200 миллион кўчат экиш ва кўчатларнинг умумий сонини 1 миллиардан ошириш орқали шаҳарлардаги яшил майдонларни 30 фоиздан ортиқроққа кенгайтириш;

ҳосил бўладиган қаттиқ майший чиқиндиларни қайта ишлаш даражасини 65 фоиздан ошириш каби стратегик мақсадлар белгиланган.

Натижалар. Шуни қайд этиш лозимки, Ўзбекистонда “яшил иқтисодиёт”, айниқса, “яшил энергия” соҳаларини жадал ривожлантириш йўлини қатъий давом эттириш муҳим устувор вазифа сифатида белгиланган [15]. Мамлакатимизда 2030 йилга қадар электр энергияси ишлаб чиқаришда қайта тикланувчи энергия манбалари улушкини 40 фоизга етказиш режалаштирилган

бўлиб, ЕТТБ билан жорий йилнинг ўзида умумий қуввати 1,2 гигаватт бўлган 3 та йирик қуёш станцияси барпо этилади. Шунингдек, “ACWA Power”, “Masdar”, “Total Eren” каби нуфузли компаниялар томонидан йирик қуёш ва шамол электр станциялари лойиҳаларини амалга оширилиши натижасида жорий йилда 2 минг мегаваттдан зиёд, кейинги йилда эса 8 минг мегаваттли қувватлар ишга тушиши кўзда тутилмоқда.

Мамлакатимизда паст углеродли, ресурс ва энергия тежамкор технологияларни жорий этиш билан боғлиқ лойиҳаларга нисбатан экологик ва иқлим мезонларини белгилаш, инвестицион лойиҳаларнинг атроф муҳитга таъсирини баҳолашнинг янги тартибини ишлаб чиқиш ҳамда бундай лойиҳалар тўғрисидаги тегишли маълумотлар базасини (жумладан, ваколатли орган томонидан берилган экологик экспертиза хулосалари онлайн базасини) молиялаштирувчи ташкилотлар, яъни бюджет ва солиқ органлари, банк ва бошқа молия-кредит ташкилотлари билан интеграция қилиш талаб этилади.

Тахлиллар шундан далолат бермоқдаки, мамлакатимизда яшил иқтисодиётга ўтиш иқтисодиётнинг етакчи тармоқларида энергия самарадорлигини ошириш, қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш ҳамда “яшил” технологияларга инвестиция киритишини талаб этиб, ҳисоб-китобларига кўра яшил инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга йилига ўртacha ЯИМнинг 1-2% маблағ талаб этилади.

Мунозара. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Ўзбекистонда “яшил иқтисодиёт”га ўтиш муҳим устувор вазифа бўлиб, 2030 йилга қадар эришилиши лозим бўлган аниқ мақсадли

индикаторлар (электр энергияси ишлаб чыкашда қайта тикланувчи энергия манбалари улушини 40 фоизга етказиш, иссиқхона газларининг ЯИМ бирлигига нисбатан солиштирма ажратмаларини 2010 йилдаги даражадан 35 фоизга кисқартириш ва бошқалар) белгиланган. Халқаро тажриба шуни кўрсатмоқдаки, яшил иқтисодиётга ўтиш борасидаги саъй-харакатлар самарадорлиги ва натижадорлиги давлат томонидан тегишли рағбатлантириш тизимини йўлга қўйилиши, соҳада давлат-хусусий шериклик механизmlарини ривожлантириш, яшил лойиҳаларни молиялаштириш имкониятларини кенгайтиришни тақозо этади. Шу боисдан давлат инвестициялари билан чекланмасдан, хусусий инвесторлар учун яшил иқтисодиётга ўтиш билан боғлиқ лойиҳаларни молиялаштиришга кенг йўл очилиши, давлат-хусусий шериклик лойиҳалари қўламини янада ошириш лозим ҳисобланади. Бунинг учун лойиҳаларга нисбатан барқарор, экологик хавфсиз ва яшиллик мезонларини аниқ белгилаб олиниши зарур. Акс ҳолда, маблағлар яшил деб даъво қилинган, лекин аслида бундай бўлмаган лойиҳаларга мақсадсиз ишлатилиши мумкин. ЕИ стандартларига мувофиқ [16], яшил лойиҳаларга нисбатан кўйидаги 6 та экологик ва иқлим мезонлари белгиланган бўлиб, таклиф этилаётган инвестицион лойиҳалар доирасидаги фаолият уларнинг бирортасига жиддий зарар етказмаслиги ҳамда уларнинг камида 1 тасига ижобий хисса қўшган тақдирда, экологик ва иқлим жиҳатдан барқарор деб эътироф этилади:

Иқлим ўзгаришини юмшатиш (иссиқхона газлари эмиссиясини олдини олиш, камайтириш ёки иссиқхона

газларини олиб ташлашни кўпайтириш);

Иқлим ўзгаришига мослашиш (хозирги ёки кутилаётган иқлимга салбий таъсирни ёки бундай салбий таъсир хавфини камайтириши ёки олдини олиши);

Сув ва денгиз ресурсларидан барқарор фойдаланиш ва муҳофаза қилиш; Айланма иқтисодиётга ўтиш (ресурсларни қайта ишлатиш ва қайта ишлашга эътибор қаратиш);

Атроф-муҳит ифлосланишининг олдини олиш ва назорат қилиш;

Биологик хилма-хиллик ва экотизимларни муҳофаза қилиш ва тиклаш.

Шуни таъкидлаш керакки, “Экологик экспертиза тўғрисида”ги қонун мамлакатимизда 2000 йилда қабул қилинган бўлиб, бугунги кун талаблари асосида қайта кўриб чиқилиши, шунингдек, инвестицион лойиҳаларнинг атроф-муҳит ва иқлим ўзгаришига таъсирини тартибга солувчи миллый стандартлар пакети ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Хулоса. Таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда яшил иқтисодиётга ўтиш, энергия ва ресурс тежамкор технологияларни жорий этишга қаратилган лойиҳалар ва дастурлар ижроси ушбу йўналишда давлат рағбатлантириш механизмларини ҳамда давлат-хусусий шерикликни ривожлантиришнинг ҳукуқий асосларини янада такомиллаштириш, молиявий механизmlарни ривожлантириш ва инвестицияларни жалб этишнинг яшил инструментларини кенг жорий этиш, давлат инвестициялари дастурлари ҳамда давлат харидлари тизимига илғор халқаро стандартлар асосида «яшил» мезонларни киритишини тақозо этади.



ФОЙДАЛАНИЛГА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Annual 2021 Global Climate Report, National Centers for Environmental Information, <https://www.ncdc.noaa.gov/>
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясидаги нутки, <https://president.uz/uz/lists/view/3851>
3. 1“Ўзбекистон Республикасининг “Париж Битимини (Париж, 2015 йил 12 декабрь) ратификация қилиш тўғрисида”ти Конуни, 2018 йил 2 октябрь, ЎРҚ-491-сон, www.lex.uz
4. The Paris Agreement, <https://unfccc.int/process-and-meetings/the-paris-agreement>
5. “2030 йилгача «яшил» иқтисодиётга ўтиш ва «яшил» ўсишни таъминлаш Дастури”, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 2 декабрдаги ПҚ-436-сон [карори](http://www.lex.uz) 1-илова, www.lex.uz
6. Европа Иттифоқи Комиссияси, <https://commission.europa.eu/strategy-and-policy/priorities-2019-2024/european-green-deal>
7. Европа комиссияси ҳисоб-китоблари, EU defines green investments to boost sustainable finance, www.europarl.europa.eu
8. Концепция по переходу Республики Казахстан к "зеленой экономике", <https://adilet.zan.kz/rus/docs/U1300000577>
9. Republic of Korea National Green Growth Strategy of South Korea, <https://www.unep.org/resources/report/korea-environmental-policy-bulletin-koreas-national-green-growth-strategy>
10. Green infrastructure: Could public land unlock private investment? September 21, 2022, <https://www.mckinsey.com/industries/public-sector/our-insights/green-infrastructure-could-public-land-unlock-private-investment>
11. Ўзбекистон Республикаси илк марта миллий валютада «яшил» мақомига эга суверен халқаро облигацияларни жойлаштириди, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, 6.10.2023, <https://www.imv.uz/news/category/yangiliklar/post-1621>
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 октябрдаги “2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ти ПФ-5863-сон Фармони, <https://president.uz/uz/lists/view/2987>
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 октябрдаги “2019-2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг «яшил» иқтисодиётга ўтиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ти ПҚ-4477-сон қарори, www.lex.uz
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 2 декабрдаги “2030 йилгача Ўзбекистон Республикасининг «яшил» иқтисодиётга ўтишига



қаратилган ислоҳотлар самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ти ПҚ-436-сон қарори, www.lex.uz

15. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Европа тикланиш ва тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгаши йиғилишидаги нутқи, 17.05.2023, <https://president.uz/uz/lists/view/6332>

16. EU taxonomy for sustainable activities,
https://finance.ec.europa.eu/sustainable-finance/tools-and-standards/eu-taxonomy-sustainable-activities_en#legislation